

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма хукуқида
УДК: 378.937:3723

БОЙМУРОДОВА Гулзода Тоштемировна

**БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИ КАСБИЙ-ШАХСИЙ
ТАЙЁРГАРЛИГИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ**

13.00.01 – Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи

**Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация**

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2009

Тадқиқот Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари
илмий тадқиқот институтида бажарилган

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори
Толипов Ўтқир Қаршиевич

Оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Йўлдошев Жўра Фаниевич

педагогика фанлари номзоди, доцент
Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
хузуридаги педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.18.03 ракамли бирлашган
ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил учусида ойининг 22 куни соат 14⁰⁰ да
ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-үй.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университетининг ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «И » нозу да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, педагогика фанлари
номзоди, доцент

Р.Г. Исянов

I. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг доизарбилиги. Ўзбекистон Республикасида таълим ислохотлари жадатлашиб бораётган бир вактда бошланғич таълим ўкувчи шахсини шакллантириш, уларга мавжуд илмий билимларнинг бошланғич асосларини етказишида мухим боскичдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нуткида, бошланғич таълим соҳасида мавжуд бўлган камчиликларга тўхталарап экан, муаммоларни ҳал этишининг дастлабки шарти – бошланғич таълим тизимига малакали, маҳоратли ўқитувчиларни жалб этиш, малакали бошланғич синф ўқитувчиларни тайёрлаш, уларнинг касбий малакаларини такомиллаштиришдан иборат эканлигига алоҳида урғу бериб: «Эски таълимнинг энг ёмон кусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб караётганимиздадир. Очик айтишимиз керак: билими саёз муаллимлар хам биринчи синфда ларс бераверади.

Ваҳоланки, боланинг дунёкарани, дили, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб кўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади¹.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларидан бири хам, ҳар бир мутахассиснинг умуминсоний кадриятларга асосланган касбий-шахсий маҳорати, ўз касбига бўлган муносабати, кизикишини шакллантириш, ижодкорлик, изланувчанлик, уддабуронлик, ишбилармонлик каби фазилатларни таркиб топтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида эса, «Барчамизга аёники, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун бу хақда гап кетса, аждодларимиз қолдириган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз катори биз учун энг якин бўлган яна бир буюк зот – ўқитувчи ва мураббийларнинг олийжаноб меҳнатини хурмат билан тилга оламиз.

Мухтасар айтганда, мактаб деган улуғ даргохнинг инсон ва жамият тараккиётидаги хиссаси ва таъсирини, нафакат ёшларимиз, балки бутун ҳалкимиз келажагини ҳал киладиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини хеч нарса билан ўлчаб, киёслаб бўлмайди. касбларнинг ичida энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Чиндан хам, ўқитувчи наинки синф хонасига файз ва зиё олиб кирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга Эзгулик ёғдусини баҳш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатдан хам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир²» – дейилган.

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Тошкент: 1997. – 7 б.

² И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.–Б. 130-131.

Бошлангич синф ўқитувчиларининг маънавий-ахлокий ва қасбий жиҳатдан етук бўлишлари улар таълим-тарбия бераётган ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларида мухим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси «Педагогик таълим концепцияси»да: «Ўзбекистон Республикаси мактабларида ишлаш учун тайёрланаётган ўқитувчилар; педагогик фаолиятга кобилиятли, ижодкор, умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларни, дунёвий билимларни, методик билим, кўнинмаларни эгаллаган, диний билимлардан хабардор, маънавий баркамол, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида равнақ топишига ишонган, ватанпарварлик, фуқоролик бурчини англаган, ўқитувчилик қасбини ва болани севган, инсонпарвар, талабчан, адолатли, педагогик одобри, ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларига кўмаклашадиган бўлмоғи керак»³, – деб таъкидланади.

Кишилик жамиятининг ривожланиш жараёни шуни кўрсатадики, шахслараро ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши баробарида ёш авлод таълим-тарбиясини ташкил этиш, бу соҳада ютуқларга эришишга алоҳида эътибор каратилган. Мальумки, хамма даврларда хам ўқитувчи шахсига юксак маънавий, қасбий талаблар кўйилган. Юксак педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчилар хар доим ўз замондошлари ва шогирдлари томонидан эъзозланганлар. Ўқитувчининг қасбий-маънавий тайёргарлигига кўйиладиган талаблар, уларнинг улуғланиши шарқ мутафаккирлари Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Жожиб, Имом ал-Бухорий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Абдулла Авлоний ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шахс, унинг маънавий-ахлокий киёфаси ва қасбий камолотига оид ишларда илгари сурилган гоялар бевосита ўқитувчи ва унинг маънавияти моҳиятини ёритишга хизмат килади. Бу борада файласуф олимлар Э.Юсупов, Ж.Туленов, Ф.Шайховларнинг асарларида мухим гоя ва тамойиллар илгари сурилган бўлиб, педагог олимлар М.Очилов, Н.Сайдахмедов, Р.Мавлонова, Ф.Юзликаев, Н.Азизхўжаева, Ў.Толипов, А.Алиев, Х.Абдукаримов, А.А.Вербитицкий, В.К.Дъярченко, Б.Р.Жўраева, Б.Рахимов, Г.Махмудова, О.Хайдарова, Н.Е.Кузьмина, С.М.Маркова, В.С.Мерлин, Л.М.Митина, В.А.Сластенин, Н.Е.Шуркова, Д.О.Химматалиев кабиларнинг ишларида ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг педагогик маҳорати, таълим технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, маънавий-ахлокий дунёкараши, қасбий маданиятини ривожлантириш муаммолари ёритилган.

Бир катор тадқиқотларда (М.Г.Давлетшин, Д.Н.Арзикулов, В.С.Мерлин) ўқитувчи шахсини шакллантиришнинг психологик асослари, хусусан замонавий ўқитувчи психологияси ва педагогик фаолиятнинг мотивацияси каби муаммолар ёритилган.

Олий таълим тизимида ўқитувчи шахсини шакллантириш, ўз-ўзини бошқарув асосида ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва қасбий

³ Толипов ў.Қ. Педагогика: илмий изланишлар кандай бормоқда? / Маърифат. 2006 йил 28 январ.

шаклланганлик ташхиси масалалари М.А.Абдужалолов, О.А.Абдулина, А.А.Акбаров, М.М.Ахмаджонов, Л.А.Регушлар томонидан яратилган илмий-педагогик асарларда ўз ечимини топган.

Ўкув жараёнини самарали ташкил этиш ва такомислаштириш жараёнининг муваффакиятини таъминловчи педагогик технологиялар, ўқитувчилар, шу жумладан, бўлажак ўқитувчиларнинг хам касбий малакаларини ошириш, уларда юксак инсоний сифатларни тарбиялашнинг мухим омили сифатида эътироф этилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнинда педагогик технология назариясидан фойдаланиш, мазкур назариянинг мөхијати, тамоиллари, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълим мақсадларини белгилаш ва максаднинг натижаланганлигини ўрганиш каби масалалар В.П.Беспалько, М.Кларин, Т.С.Назаров, Е.С.Полат, М.Очилов, Н.Сайдахмедов, Н.Азизхўжаева, Ў.Толипов ва бошқалар томонидан очиб берилган.

Бошлангич таълим муаммолари, уларнинг илмий-педагогик ечимлари, замонавий бошлангич таълим мазмуни, уни ижодий ташкил этиш йўллари, тамоиллари, бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлаш масалалари О.Розиков, Р.А.Мавлонова, Р.Сафарова, Б.Адизов, М.Хайдаров, О.Гўраева, О.Хасанбоева, А.Бекмуродов, Г.Нажмиддинова ва Х.Саноқулловлар томонидан тадқик этилган.

Бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий маданиятини шакллантириш муаммоси М.Жумаев, бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш О.Хайдарова, олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришининг ижтимоий педагогик хусусиятлари Г.И.Махмутова, бошлангич синфларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик асослари С.Усмонов каби олимлар томонидан ўрганилган.

Кўйилган муаммонинг назарий-амалий жиҳатларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, «Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик тизими»ни яратиш муаммоси алоҳида диссертацион тадқиқот обьекти бўлган эмас. Бошлангич таълим мазмуни, сифати ва самарадорлигига кўйилаётган талаблар, уларни бажарадиган бошлангич синф ўқитувчиларининг хам касбий, хам маънавий-ахлокий жиҳатлари етук бўлишини тақозо килмоқда. Шунга кўра, бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминловчи технологик тизимни ишлаб чикиш ва уни олий таълим амалиётида кўллашга эхтиёж сезилмоқда.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ДИТД-5 «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни жорий этиш жараёнинда узлуксиз таълим-тарбия тизимини ривожлантириш муаммолари лойиҳаси доирасида бажа哩лди.

Тадқиқот мақсади: бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик тизимини белгилаш ва ушбу технологик тизимни олий таълим амалиётида кўллашга ўйналиринган илмий методик тавсиялар яратиш.

Тадқикот вазифалари:

1. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг назарий-амалий асосларини ўрганиш.
2. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизимини ишлаб чикиш.
3. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини амалга оширишининг қулай шарт-шароитлари ва воситаларини аниқлаш.
4. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган технологик тизимнинг самарадорлик даражасини белгилаш ва ушбу тизимни олий таълим амалиётida қўллашга қаратилган илмий методик тавсиялар ишлаб чикиш.

Тадқикот обьекти: бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизим, шарт-шароитлари, ўзига хос хусусиятлари ва самарадорлиги.

Тадқикотниң фарази: агар:

- бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлиги даражасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилса;
- бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик асослари ишлаб чиқилса ва технологик тизими яратилса;
- бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини такомиллаштиришда самарали омиллардан унумли фойдаланилса;
- бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини такомиллаштиришда педагогик амалиётнинг мавжуд имкониятларидан тўғри фойдаланишга эришилса;
- бошлангич синф ўқитувчилари учун малакали педагогларни тайёрлашга оид илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилса ва олий таълим амалиётига қўлланилса, бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш жараёнида самарадорликка эришилади.

Тадқикот методлари: аналитик обзор, киёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, сұхбат, умумлаштириш, мактаб ҳужжатларини ўрганиш, педагогик прогностика, педагогик эксперимент, математик-статистика.

Тадқикотниң методологик асослари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш милий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўқитувчи фаолияти, уни ривожлантириш ва ташкил этиш, бошлангич таълимни ривожлантириш ҳакидаги ғоялари, Ўзбекистон Республикасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга оид Карорлари, Олий ва ўрта маҳсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари, Бошлангич таълим концепцияси, Бошлангич таълим Давлат таълим стандартлари, Педагогика

фани концепцияси, педагогика ва психология соҳасидаги тадқиқотлар, илгор тажрибалар, Шарқ мутафаккирларининг шахс касб маҳорати ва маънавиятини юксалтиришга оид таълимотлари.

Химоға олиб чикилаётган асосий холатлар:

1. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизимини ишлаб чикиш долзарб педагогик муаммо эканлиги.

2. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими.

3. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини амалга оширишнинг кулаги шарт-шароитлари ва воситалари.

4. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган технологик тизимнинг самарадорлик даражаси ва бу тизимни олий таълим амалиётида қўллашга қаратилган илмий методик тавсиялар.

Ишнинг илмий янгилиги:

1. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг назарий-амалий асосларини ўрганиш асосида уларнинг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш педагогик муаммо эканлиги асосланди.

2. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими ишлаб чикилди.

3. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини амалга оширишнинг қулаги шарт-шароитлари ва воситалари аникланди.

4. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган технологик тизимнинг самарадорлик даражаси белгиланди ва бу тизимни олий таълим амалиётида қўллашга қаратилган илмий методик тавсиялар ишлаб чикилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий-амалий ахамияти. Тадқиқот натижасида педагогика фани, бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган назарий ёндашувлар, муайян технологик тизим, ушбу тизимнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулаги шарт-шароитлари ҳамда илмий методик тавсияларга эга бўлди. Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш жараёни эса, самарадорлик даражаси аникланган муайян технологик тизим билан бойитилди.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тажриба-синов ишлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Бухоро давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, ҳамда Бухоро шаҳар 9-, 10-; Тошкент шаҳар 16- умумий ўрта таълим мактабларида амалга оширилди. Тадқиқотнинг етакчи ғояларидан ушбу мактаблар ҳамда олий ўкув юртлари фаолиятида бугунги кунда ҳам фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Тадқиқотнинг асосий мазмуни «Узлуксиз таълим», «Педагогик маҳорат», «Халқ таълими»

журналларида чоп этилган илмий мақолалар оркали оммалаштирилди. Унинг назарий ва амалий жиҳатлари 2005-2008 йилларда Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Бухоро, Карши, Гулистан университетларида ўтказилган Республика ҳамда Халқаро миёсидаги илмий-амалий конференцияларида, Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ қошида ташкил килинган семинарларда ўқилган маъruzаларда мунтазам оммалаштирилиб борилди. Шунингдек, «Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими» номли методик қўлланмада ёритилди.

Натижаларнинг эълон килинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари муаллиф томонидан чоп эттирилган 20 та илмий иш (шулардан 1 таси методик қўлланма 5 б.т., 8 таси илмий журналлардаги мақолалар, 11 таси тезислар)да ёритилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, 6 параграф, умумий хуоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни 154 сахифани ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби «Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг назарий асослари» деб номланган бўлиб, унда бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини такомиллаштириш педагогик муаммо эканлиги ҳамда бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг амалиётдаги ҳолати ҳакида фикр юритилган.

Тизим юонча Systema – ўзаро алокадор бўлган бир неча элементнинг ўзаро кетма-кетликда бирлашишини англатади. Ҳар қандай тизим яхлитликни ифодалайди. Унинг шундай таркибий қисмлари борки, улар бирлашиб яхлит тизимни ҳосил қиласди. Мазкур тадқиқот ўқитувчи касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик тизими – бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини яхлит тизим сифатида ифодалашга қаратилади.

Таълим мақсадларининг таҳминий баёнидан ташкири, муайян ўкув жараёни учун таълим усуулларини танлашнинг мухим шарти сифатида ўкувчиларнинг билим даражаларини олдиндан ташхислаш, уларнинг кўнишка ва малакаларини мавжуд меъёрий талаблар билан таққослаш эътироф этилади.

Таълим жараёнини бориши ўкувчиларнинг белгиланган мақсад йўлида харакат килишларини узлуксиз назорат килишни кўзда тутади. Мазкур жараён технологик таълим тизимининг юқори даражали имкониятларини очиб беради.

Юкоридаги фикрларга таянган ҳолда биз, ўқитувчи касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик тизимига куйидагича таъриф бердик: ўқитувчи касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг ва уни маҳоратли педагог

сифатида шакллантиришнинг муайян илмий педагогик, амалий шарт шаронтлари, восита ва шакллари мажмуудир.

Педагогик тизим субъектлари хисобланган ўкувчи, ўқитувчи шахси, таълим максади, мазмунчи, дидактик жараёнлар ҳамда ташкилий шакллари яхлит бир тизимни ифодалайди.

Таълимнинг глобаллашуви, щунингдек, узлуксиз таълим тизимини шакллантириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Педагогика олий ўкув юртларида ҳам ўкув-тарбия ишларини янгича ёндашув асосида ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий кўнікма ва малакаларини такомиллаштириш ҳамда касбий-шахсий сифатларини шакллантириш борасида бир катор ишлар амалга оширилмоқда. Педагогика олий ўкув юртлари фаолиятини назарий, амалий жихатдан ўрганиш, ушбу жараёnda амалга оширилиши лозим бўлган бир катор вазифалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Педагогика олий ўкув юртлари талабаларининг касбий-шахсий сифатларини шакллантириш, уларда мустакил равишда педагогик фаолиятни ташкил этишда ўзига хос аҳамият касб этувчи кўнікма ва малакаларни ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, ўқитувчи касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашда амал килиниши зарур бўлган бир катор дидактик қоидаларга таяниш талаб этилади:

1. Янги технологик тизим мазмунни асосини касбий фаолият тажрибаларини ўзлаштиришни ташкил қилиш, яъни бўлғуси педагогни тайёрлашнинг асосий максади унда касбий-шахсий малакаларни шакллантириш бўлиши лозим.
2. Таълим жараёни мантikan субъектив амалий тажрибадан назарий умумлашмага томон ривожлантиришга каратилиши зарур. Анъанавий таълимда эса, аксинча назариядан амалиётга ўтилади.
3. Талабалар касбий фаолият тажрибаларини фаол эгаллаш учун улар ОЎЮда таълим олишларининг дастлабки давриданок мактабларда амалиёт ўташни бошлишлари керак.
4. ОЎЮларида ўқитишининг мазмунни моҳиятан буткул ўзгача ташкил этилиши, яъни назарий ва амалий билимларни эгаллашдаги мутаносиблик технологик асосда амалга оширилиши, талабалар биринчи ўкув йилида хафтасига бир кундан, иккинчи, учинчи ўкув йилида икки кундан мактабда амалий машгулот ўташлари зарур.
5. Касбий тажрибаларни эгаллаш тизимли тарзда мунтазам ва изчилилк билан амалга оширилиши лозим.
6. Талабалар амалиёт ўташ даврида оддий бошлангич синфларда, ихтисослашган мактабларда, синфларда бўш ўзлаштирувчи ўкувчилардан иборат бўлган коррекцион таълим гурухларида фаолият олиб боришилари зарур.
7. Талабанинг амалиёт ўташи хўжакўрсинга дуч келган ўқитувчи ҳамкорлигига амалга оширилмай, балки улар билан юксак тажрибага эга бўлган, таълимнинг илфор технологияларидан фойдаланиб, дарс ўтадиган обўюли амалиётчи педагоглар ҳамкорлик килишлари керак.

8. Талаба ўкув-касбий фаолияти мазмуни ва унга кўйиладиган талаблар кумулятив (муайян бир йўналишга каратилган ходиса) принцип асосида амалга оширилиши лозим.

9. Талабалар амалиёт ўташ даврида ҳамкорлик килган педагоглар уларга ҳам назарий, ҳам амалий билим беришлари керак.

10. Талабалар бошлангич тизимга барча ёшдаги ўкувчилар билан, 1-курсда 2-, 2-курсда 3-, 3-курсда эса 1-синф ўкувчилари билан ишлаш тажрибасини эгаллашлари зурур.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий сифатларини шакллантириш келгусида улар томонидан ташкил этиладиган педагогик жараён самарадорлигини кафолатлайди. Мазкур жараёнда:

1. Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг мавжуд ҳолатини ўрганиш, тахлил этиш;

2. Бошлангич синф ўқитувчиларини касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик асосларини ишлаб чикиш;

3. Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизимини яратиш;

4. Тизим самарадорлигини тажриба-синов ишлари воситасида аниклаш;

5. Бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашда самарага эришишга оид илмий-методик тавсиялар ишлаб чикиш каби вазифалар ҳал этилади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида касбий-шахсий тайёргарликнинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш натижалари, талабаларга берилаётган таълим мазмуни, сифати ва шаклининг етарлича талабга жавоб бермаслигини кўрсатди. Ушбу максадда ташкил этилган тажриба-синов жараённиа респондентлар сифатида Педагогика олий ўкув юртларининг 3-4 курс талабалардан 402 нафар, шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларидан 80 нафар бошлангич синф ўқитувчилари жалб этилдилар. Тажриба-синов ишлари асосан ЖДПИ, БухДУ, ТДПУ ва Бухоро шахридаги 9-, 10-умумтаълим мактабларида, Тошкент шахридаги 16-умумтаълим мактабларида олий борилди.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлиги ҳамда мазкур тайёргарлик сифатини белгилаб берувчи таълим мазмуни ва воситалари буғунти кун талабларидан ортда қолмокда. Аксарият бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида касбий-шахсий тайёргарликка оид тушунчалар етарлича шаклланмаган. Хусусан, улар тадқиқотчилик фаолияти, мустакил, ижодий ишлаш, ахборот технологиялари билан эркин мулокот килиш кўнинкамаларига эга эмаслар. Педагогика олий ўкув юртларида талабаларда педагогик амалиёт жараённида дарсни лойихалаш, педагогик технологиянинг интерфаол усусларидан самарали фойдаланиш кўнинкамаларини шакллантиришга кам эътибор берилмокда.

Ўтказилган сўровлар ва савол-жавоблар шуни кўрсатдик, паст ўзлаштиришнинг асосий сабаблари:

бириңчидан, мәтізуза матнларининг бугунғи күн талабларига жавоб бермаслиги, мавжуд адабиётларнинг талабалар эхтиёжини қондира олмаслиги;

иккінчидан, үқитувчилар үз фаолиятларыда замонавий техник воситалардан унумли за самарали фойдаланмаслыклари;

үчинчидан, мұстакил билим олиш күнінімдерині шактлантириш учун хизмат күлгүнчі метод, восита ва тавсияларға ега әмаслыклари;

түртінчидан, талабаларда дарсдан ташкари вакыларда ахборот технологияларидан фойдаланиш күнінімдеринің етарлича ривожлантирилмаганлығы билан изохланади.

Кузатишиларимиз жараённан аникланған камчиликларни бартараф этиш мәксадида құйидаги вазифалар белгилаб олини:

1. Педагогика түркүм үкүв фанлары бүйіча олиб бориляётган машгұлолттар жараённан талабаларға «Педагогик технология», «Педагогик техника ва унинг элементлари» қақида етарлича маълумотлар берішінде өрнекшілік етішіш;

2. Талабаларға тәулим жараённан замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратып, махсус амалий ва лаборатория машгұлолттарини ташкил этиш;

3. Бұлажак үқитувчиларға мұтахассислик фанларини үқитища тәддикетчилик кобиляттіні үстирип боришина өрнекшілік етішіш учун зарур шарт-шароитларни тағындаш кабилар.

Диссертациянинг иккінчи боби «**Бошланғич синф үқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг дидактикалық имкониятлары**» деб номланиб, унда бұлажак бошланғич синф үқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини тағындаш мазмуни ва бұлажак бошланғич синф үқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг психологиялық имкониятлары хамда үкүвчи шахсими шактлантиришда үқитувчиларининг педагогик ижоди қақида фикр юритилған.

Замонавий бошланғич синф үқитувчисининг бой маңнавий-аҳлоқий киёфага ега бўлиши, жамиятда кечәётган туб үзгаришлар, турли ахборот оқимларининг Республика маңнавий-ижтимоий ҳаётінде күрсатадиган кучти таъсири, бузгунчи гоялар хуружини бартараф этиш зарурияти ёш авлод тарбияси учун масъул бўлган үқитувчи шахсига нисбатан жиддий талабларни кўймоқда. Шу боис бугунғи күн үқитувчиси нафакат касбий малакага, балки юксак маңнавий-аҳлоқий сифатлар, бой дунёқараш, интеллектуал салоҳият, мұстакил фикр эгаси бўлиши зарур. Бу сифатлар бевосита үқитувчининг шахсий ва касбий етуклигини ифодалайди. Шунга кўра, бошланғич синф үқитувчиларининг касбий-шахсий сифатлари кўпроқ дарс ва дарсдан ташкари машгұлолтларда яққол намоён бўлади. Касбий-шахсий етуклик үқитувчини аклий, рухий, аҳлоқий, жамият ва ватан равнанкини англаш, уни кадрлашга йўллайди.

Педагоглар куч-кувватини мувофиқлаштиришининг асосий йўналиши бу – **Мұтахассисларни тайёрлашга оид умумпедагогик ёндашув ва умумий стратегиянинг келишиб олиннишида үз ифодасини топади.**

Мазкур максадда семинарлар, практикумлар үтказиши юзасидан педагогик тавсиялар тайёрланиб, ишлаб чикариш йигилишлари ва ўқитувчилар учун доимий фаолият юритувчи ўкув семинарларидан улардан фойдаланилади.

Педагогларни мувофиқлаштиришни кучайтириш бўйича иш олиб боришининг яна бир мухим йўналиши бу – ҳамкорликда ишлаш ҳамда тарбиявий ишлар ва ўкув машғулотларидир.

«Ўқувчилар билим, кўнікма ва малакаларини шакллантириш» мавзусидаги дарс машғулоти физиология, психология, педагогика, меҳнат таълими методикаси, жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг биргаликдаги тайёргарлиги асосида давра сұхбати кўринишида үтказилади.

Бундай машғулотларни йилига 1-2 марта үтказиш максадга мувофиқдир.

Бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлашда 3 йилда 5 марта шундай машғулот үтказиш етарлидир (Ўқитишининг биринчи йили 2 та, иккинчи йили 2 та ва битирувчи курсда 1 та).

Юкорида келтирилган машғулотлар мавзуси қўйидагича бўлиши мумкин:

- бошлангич синф ўқувчиларида ўкув фаолиятини шакллантириш муаммолари;
- ўқувчиларда билим олишга эҳтиёж ва иштиёқни ҳамда ўқишига кизиқини тарбиялаш;
- ўқувчи фаолиятида ижодий ишни рағбатлантириш учун шароит яратиш.

Интеграциялашган машғулотни ташкил этиш ва үтказишга жалб қилинган ҳар бир ўқитувчи ўз иш дастурода (ҳар машғулотда) 2 соатдан вакт ажратади.

Педагогик маслаҳатларни үтказишида талабаларда касбий-шахсий кўнікма ва малакаларни шакллантиришда профессор-ўқитувчиларининг педагогик маслаҳат кенгашилари катта ўрин тутади.

Талабалар ўкув жараёнинг мослашувининг кандай бораётганлиги, айрим талабаларнинг дарсни ўзлаштириш даражаси ва дарсга муносабати ягона ёндашувини таъминлаш учун тарбияланувчига нисбатан барқарор талабнинг қўйилиши, объектив маълумот олишда барчанинг биргаликда шибу муаммоларни ҳал қилишига эришиши лозим.

Амалий тажриба ўташ даврида ўқитувчи талабалар билан ишлаш давомида тавсия бериш, уларни рағбатлантириш, эслатиш, имо-ишора, маслаҳат беришлар орқали огоҳлантириш талаба билимини назорат қилиш ва баҳолаш, кўллаб-кувватлаш каби усууллардан фойдаланадилар.

Талабаларни шахсий ривожлантиришда уларнинг ўкув-касбий фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиш мухим ахамиятга эга.

Назорат ва баҳолашга ўзгартириш киритиш орқали бўлажак мутахассисларнинг шахс сифатидаги камолотини таъминлашга эришилади. Унинг асосий йўналишлари қўйидагилар:

- талаба фаолиятини назорат қилиш самарадорлигини таъминлаш;

- таълим муассасалари методисти, ўқитувчиси ва раҳбарининг асосий вазифаси амалиётни ўташ натижалари хакида маълумот олишдан иборат бўлиши;
- талабани ўз хатоларини тузатишга ўргатиш, бунинг учун унга ёрдам бериш, мавжуд тўсикларни бартараф этишига кўмаклаши;
- талабанинг амалиёт ўташ давридаги муваффакиятни таъминлашдан иборат.

Бўлажак ўқитувчининг фундаментал билимлар хамда коммуникатив кўникималарга эга бўлиши мухимдир.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигига мутахассисликни чукур эгаллаш, касбдошлар билан хамкорликда ишлаш, илғор педагогик тажрибадан фойдаланиш, ўз фанига оид лугат-атамалар ва адабиётлар захирасини эгаллаш мухим аҳамиятга эга.

Мутахассиснинг шахсий имкониятларига таянган ҳолда амалга ошадиган касбий-педагогик фаолият бошлангич синф ўқитувчисидан жисмонан бақувват, мустаҳкам характер ва кучли ироди эгаси бўлишни талаб этади. Барқарор диккат, энг оддий ҳолатларни ҳам эътиборга ола билиш, машрутларнинг давомийлигини яхлит назорат кила олиш, унинг моҳиятини тўғри англаш, ижобий мазмун касб этувчи вазиятларнинг таъсир кучидан самарали фойдалана олиш, зиддиятлар келиб чиккан вазиятларда оқилона, қатъий карор қабул килиш ва уларни бартараф этишиг эришиш, ушбу вазиятларга нисбатан шахсий ёндашув моҳиятини танкидий баҳолаш, ўз хулигя ишонч ва ўқувчиларнинг ўрнига ўзини кўя олиш каби сифатларнинг мавжуд бўлиши, жамоа орасида соғлом мухитнинг карор топишига эришиши, ўқувчилар ва ҳамкаслари орасида обўр-эътиборга эга бўлиши, ўқитувчининг шахсий-касбий фаолиятида муайян ютукларни кўлга киритиши учун имконият яратади.

Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиси ўзининг ижодкорлик хислатларини намоён эта олиши, дунёкараши ва тафаккурининг кенглиги, бой тасаввурга эгалиги, кучли хотира, ижодий лаёқат ҳамда юқори даражада хиссий ўз-ўзини бошқаришга эга бўлиши зарур.

Бизнинг назаримиизда, талаба шахсида акс этиши зарур бўлган аклий. ахлоқий ҳамда иродавий сифатлар кўйидагилардан иборат:

1. Иродавий сифатлар – катъиятлилик, журъатлилик, шижаотлилик, мардлик, жасурлик, тартиб-интизомлилик, иродали бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда оқилона қарор қабул қила олиш, вазминлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, меҳр-шафкатлилик, мустакиллик, шижаотлилик, жисмоний баркамоллик, фаоллик, сабр-токатлилик, бардошлилик, чидамлилик, ҳаракатчанлик кабилар.

2. Аклий сифатлар – билимдонлик, вазиятни ўз вактида ва тўғри баҳолай олиш, ижодкорлик, мулоҳазалилик, кучли хотира, мустакил фикрлаш лаёқати тезлиги, мантикий хуносаларга кела олиши, диккатнинг барқарор бўлиши кабилар.


3. Эстетик сифатлар – гўзалликни хис қила олиш, озодалик, саранжом-саришталик, жозибалилик, қадди-коматни тўғри тута билиш, нуткнинг

таъсирчан бўлишига эришиш, эмоционаллик, ижодкорлик, тафаккурнинг кенглиги бой фантазияга эгалик ва ҳоказолар.

4. Коммуникатив сифатлар – тўгри сўзлилик, хушмуомалалик, хозиржавоблик, самимийлик, ўзгалар фикрини тинглай олиш, мустакил фикрга эга бўлиш, ўзгалар маңбаатлари йўлида харакат килиш, фидойлик, меҳр-шафқатлилик, олийжаноблик, бағри кенглик, эркинлик, таъсирчанлик ва бошкalar.

Ўқитувчи меҳнатига факат унинг ўз фаолиятига қанчалик даражада ижодий муносабатда бўлаётганингини аниқлаш орқалигина холис баҳо бериш мумкин.

Хозирги кунда таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифа талабаларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлашдан иборатdir. Бўлажак ўқитувчи моделида ўқитувчilarни тайёрлашга кўйилган талаблар, шунингдек касбий-шахсий тайёргарлиги ҳам ўз ифодасини топган (1-расм).



1-расм. Бўлажак ўқитувчilarни шахсий-касбий тайёрлаш модели.

Диссертациянинг учинчи боби «Бошлангич синф ўқитувчилари шахсий-касбий тайёргарлигини такомиллаштиришга бўлган технологик ёндашувнинг самарадорлик даражаси» деб номланади. Ушбу бобда бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш даражасининг самарадорлиги ҳамда бўлажак ўқитувчини тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш йўллари хакида фикр юритилган.

Бўлажак ўқитувчининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминловчи асосий омиллардан бири, педагогик амалиётдир.

Педагогика олий ўкув юртларида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш борасида ташкил этилган тажриба-синов ишларининг асосий максади – мазкур ўкув юртлари талабаларининг касбий-шахсий тайёргарлиги шаклланганлик даражасининг тажрибадан аввалги ва кейинги ҳолатини ўрганишдан изборат эди.

1-жадвал

Тажриба-синов жараёнида машқлар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларда шакллантирилган касбий-шахсий сифатлар


| | Мезонлар | Тажриба гурухи (198 та талаба) | | | Назорат гурухи (204 та талаба) | | |
|----------------|---------------------------------------------------------------|-----------------------------------|------------|------------|-----------------------------------|------------|------------|
| | | Юко- ри | Ўрта | Паст | Юко- ри | Ўрта | Паст |
| 1. | Педагогик ҳодисаларни кузатиш кўникмасини ривожлангандиги | 123 | 59 | 16 | 76 | 56 | 72 |
| 2. | Ўкувчиларни ҳар томонлама ўрганиш методикасидан фойдаланиш | 122 | 58 | 18 | 82 | 56 | 66 |
| 3. | Педагогик таъсир кўрсатиш кўникмаларини аниқлаш | 118 | 63 | 17 | 68 | 72 | 64 |
| 4. | Педагогик ҳужжатлар тузиш ва уларни юритиш | 115 | 64 | 19 | 70 | 68 | 66 |
| 5. | Турли ностандарт вазиятларда ўз фаолиятларини ташкил эта олиш | 114 | 69 | 15 | 71 | 65 | 68 |
| 6. | Маълум педагогик вазиятларни баҳолай олиши | 119 | 60 | 19 | 79 | 57 | 68 |
| 7. | Педагогик ҳодисаларни таҳлил кила олиш кўникмаси | 116 | 62 | 20 | 83 | 56 | 65 |
| 8. | Жамоани ташкил қила олиш | 117 | 61 | 20 | 79 | 58 | 67 |
| Жами | | 944 | 496 | 144 | 608 | 488 | 536 |
| Ўртacha | | 118 | 62 | 18 | 76 | 61 | 67 |

Бу шундан далолат берадики, олий ўкув юртларида талабаларнинг касбий-шахсий тайёргарлигини давр талблари асосида таъминлаш учун муайян технологик тизим зарурдир. Бундай технологик тизим биринчи

навбагда педагогика туркум фанларини янгича мазмун ва талаблардан келиб чиққан холда ўқитиш асосида вужудга келади.

Олинган маълумотлар Стъюдент формуласи ва Нейман критерияси асосида математик-статистик таҳлил килинди.

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



2-расм. Тажриба-синов жараёнида машқлар ёрдамида бўлажак ўқитувчиларда шакллантирилган касбий-шахсий сифатлар диаграммаси.

Топилган натижалардан математик кутилиш, танланма дисперсия ва ўртача квадратик четланишлар топилади.

2-жадвал

| \bar{X} | \bar{Y} | D_m | D_n | Δ_m | Δ_n |
|-----------|-----------|-------|-------|------------|------------|
| 4,5 | 4 | 0,43 | 0,7 | 0,05 | 0,07 |

Натижалардан тажрибадан олдинги ва кейинги кўрсатгичлар учун ишончли интэрваллари топилади:

$$\bar{X} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{m}}$$

$$4,5 - 0,05 \leq a_x \leq 4,5 + 0,05$$

$$4,45 \leq a_x \leq 4,55$$

$$\bar{Y} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$4 - 0,08 \leq a_y \leq 4 + 0,08$$

$$3,92 \leq a_y \leq 4,08$$

Шундай килиб, тажриба-синов ишларининг натижаларига кўра ўтказилган тажрибанинг ҳақконийлиги келиб чиқди. Бу натижаларга асослани тажриба-синов ишларининг сифат кўрсатгичлари аниқланди. З-жадвалдаги кўрсаткичларга асосланиб, статистик таҳлилнинг сифат кўрсаткичлари коэффициенти аниқланди, яъни:

Бизга маълум $\bar{X}=4,5$; $\bar{Y}=4$; $\Delta_m=0,05$; $\Delta_n=0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсагчичлари:

$$K_{\text{вс}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,5 - 0,05}{4 + 0,08} = \frac{4,45}{4,08} = 1,09 > 1;$$

$$K_{\text{бн}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} + \Delta_n) = (4,5 - 0,05) - (4 + 0,08) = 4,45 - 4,08 = 0,37 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нольдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажрибадан кейинги кўрсатгич тажрибадан олдинги кўрсаткичдан юкори экан. Демак, бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини аниқлаш бўйича талабалар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари юзасидан олинган натижалар самарадор экан.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

1. Ўқитувчи шахсини касбий, маънавий, технологик жихатдан тайёрлашга багишланган назарий манбалар, тадқикот ишларининг таҳлили, бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлаш амалиёти, уларнинг иш фаолиятларини ҳар томоннама ўрганиш натижалари шуни кўрсатдички, педагогика олий ўкув юртларида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини касбий-шахсий тайёрлашнинг технологик тизимини ишлаб чиқиши ва бу тизимни назарий жихатдан асослаш педагогика фани олдида турган долзарб муаммолардан бириди.

2. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини касбий-шахсий тайёрлашнинг технологик тизими яхлит педагогик ходиса бўлиб, унинг таркибий кисмларини аниклаш ва педагогик жихатдан шарҳлаш зарурияти мавжуд.

3. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини касбий-шахсий тайёрлашнинг технологик тизими ўзига хос педагогик-психологик хусусиятларни хисобга олган холда белгилаб берилиши мақсадга мувофиқлар. Кайсиким, ушбу педагогик-психологик хусусиятлар ёш ўқитувчига таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиши, ўкув жараёнини мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаштириш, ўкувчини мужассам тарзда актлий-интеллектуал, жисмоний ҳамда маънавий ривожланишига хизмат киладиган ўкув топширикларини танлаш имконини беради.

4. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини касбий-шахсий тайёрлашнинг технологик тизими кўп элементли тизим бўлиб, у ўқитувчилар тайёрлаш тизимининг мазмуни, шакли, воситалари, усул ва методлари ўқитувчи-ўкувчи муносабатлари, уларни субъект-субъект даражасида ташкил этиш ўйлари, ўқитувчи маҳорати ва шахсий сифатларини камраб олади.

5. Технологик тизим доирасида ўқитувчининг маҳорати ва касбий кўнилмалари алоҳида ўрин згаллаб, уни шакллантириш учун таълим жараёнини янги технологиялар асосида ташкил этиши мақсадга мувофиқлар.

6. Бўлажак ўқитувчининг маънавий сифатларини шакллантирища аудиториядан ташкари, таълим-тарбия жараёни ва педагогик амалиёт мухим аҳамият касб этишини кузатишларимиз яққол кўрсатди.

7. Бўлажак ўқитувчини касбий-шахсий тайёрлаш тизимида педагогика, психология туркумидаги ўкув фанлари билан бир каторда, узлуксиз педагогик амалиёт ҳам мухим аҳамият касб этиши аён бўлди.

8. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган технологик тизим самарадорлигини аниклаш мақсадида, кўп боскичли-кузатувлар алоҳида аҳамиятга эга эканлиги маълум.

9. Педагогик амалиёт давомида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини касбий-шахсий тайёргарлик даражасини аниклаш ва назорат килиши жараённида тренинглар, ўқитувчи ҳамда ўқувчиларни биргаликдаги мулокотга чорловчи ишchan ўйинлар алоҳида дидактик аҳамият касб этиши аниқланди.

10. Тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили тадқикот илмий фарази тўғрилигини тасдиқлаш имконини берди.

ТАВСИЯЛАР

1. Олий ўкув юртларида педагогика туркум фанлар бўйича маъruzалар матнини янги назарий караш ва ёндашувлар билан бойитишга эришиш.
2. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий сифатларини янада ривожлантириш максадида педагогик амалиёт жараёнини ўкув методик кўлланмалар билан таъминлаши.
3. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари педагогик маҳоратини мунтазам шакллантириб боришини назарда тутиб педагогик амалиётни узлуксиз ташкил этишига эришиш.
4. Педагогика олий ўкув юрти талаabalарини илгор педагогик технологиялар асосида тадқикотчиликка йўналтириш бўйича факультатив курслар ташкил килиш.
5. Олий ўкув юртларида иктидорли талабалар билан ишлашни жадаллаштириш максадида методик кўлланмалар яратиш.
6. Педагогик олий ўкув юрти талаabalарининг касбий-шахсий сифатларини шакллантириш юзасидан педагогик туркум фанларини интеграциялаштирган холда ўқитишини йўлга кўйиш максадида интеграллашган ўкув курси дастурини ишлаб чикиш.

НАШР ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Боймуродова Г., Толипов Ў. Непрерывное педагогическое образование в Республике Узбекистан: состояние, перспективы, развития. Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития. // Материалы докладов участников 4-й международной конференции. – Санкт-Петербург, 2006. – С. 15-19.
2. Боймуродова Г. Бошлангич синфларда дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш. Умумий ўрта таълим тизимини ривожлантириш истиқболлари. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФИТИ. – Тошкент, 2006. – Б. 135-138.
3. Боймуродова Г. Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими. – Тошкент: Фан ва технологиялар босмахонаси, 2007. – 80 б.
4. Боймуродова Г. Бошлангич синф ўқитувчиларини интеграллашган дарс ўтишига тайёрлаш. Фанларни интеграциялаб ўқитишининг педагогик шарт шароитлари. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФИТИ. – Тошкент, 2007. – Б. 176-177.
5. Боймуродова Г. Ўкув тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. // Узлуксиз таълим тизимида маънавий-касбий баркамол шахс тарбияси мавзусида Республика илмий конференция материаллари. – Гулистон, 2007. – Б. 133-134.

6. Боймуродова Г. Таълимни модернизациялаш шароитида замонавий ўқитувчи шахсига қўйиладиган педагогик-психологик талаблар. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 97-100.
7. Боймуродова Г. Бошлангич таълимда синф раҳбари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. // Ҳалқ таълими. – Тошкент, 2007. – №6. – Б. 102-104.
8. Боймуродова Г. Ўқитувчиларнинг касбий-шахсий сифатларини шакллантиришда интерфаол ёндашувларнинг ўрни. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2008. – №1. – Б. 44-46.
9. Боймуродова Г., Тошева Н. Талаба ўшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ота-оналарнинг роли. Олий ўкув юрти талбалар гурухларида маънавий-ахлоқий гарбияни ташкил килиш муаммолари. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Бухоро, 2008. – Б. 325-327.
- 10.Боймуродова Г., Тошева Н. Бўлажак ўқитувчиларда педагогик касбини шакллантириши. // Ҳалқ таълими. – Тошкент, 2008. – №4. – Б. 40-43.
- 11.Боймуродова Г., Тошева Н. Бўлажак ўқитувчилар касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2008. – №1. – Б. 14-16.
- 12.Боймуродова Г., Тошева Н. Ўқитувчилар фаолиятида инновацион технологиялар. Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялари. // Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФИТИ. – Тошкент, 2008. – Б. 73-75.
- 13.Боймуродова Г. Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашда педагогик технологиялар. Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялари. // Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФИТИ. – Тошкент, 2008. – Б. 75-79.
- 14.Боймуродова Г. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш мазмуни. Бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараённада замонавий касбий таълим муаммолари. // Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Гулистон, 2008. – Б. 44- 47.
- 15.Боймуродова Г. Бошлангич таълим – дастлабки билимлар асосини етказишнинг муҳим боскичи. Бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараённада замонавий касбий таълим муаммолари. // Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Гулистон, 2008. – Б. 111- 112.
16. Боймуродова Г. Таълим жараённада педагогик ва ахборот технологияларни кўллашнинг ўзига хос хусусиятлари. Олий мактаб педагогикасининг долзарб муаммолари. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Қарши, 2008. – Б. 55 -57.
17. Боймуродова Г. Талабалар фаолиятини баҳолаш касбий-шахсий билим, кўнімка ва малакаларни шакллантиришнинг муҳим омили. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2008. – №4. – Б. 23-26.
- 18.Боймуродова Г. Бошлангич синф ўқитувчиларини педагогик маҳоратта оид билимлар билан таъминлаш масалалари. // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2009. –№ 1. – Б. 5-9.

19. Боймуродова Г. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини шакллантиришида педагогик туркум фанлар таълимидаги ўзига хослиги. // Педагогик маҳорат. – Бухоро, 2009. – №2. – Б. 13-16.
20. Боймуродова Г., Н.Тошева. Касбий-шахсий сифатларни шакллатиришда ўкувчининг ўқитувчига педагогик таъсири // Республика миқёсидаги илмий-амалий конференция материаллари. ЎзПФИТИ. – Тошкент, 2009. – Б. 197-199.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Боймуродова Гулзода Тоштемировнанинг 13.00.01- Умумий педагогика, педагогика ва таълим тарихи ихтисослиги бўйича «**Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик тизими**» мавзусидаги номзодлик диссертацияси

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг мухим) сўзлар: технологик тизим, ўқитувчи, ўкувчи, талаба, педагогик маҳорат, педагогик техника, шахсий сифат, касбий сифат, педагогик амалиёт, маънавият, таълим жараёни, ўкув адабиётлари.

Тадқикот обьекти: бошлангич синф ўқитувчиларининг касбий-шахсий тайёргарлигини муайян технологик тизим асосида таъминлашга йўналтирилган педагогик жараён.

Тадқикот мақсади: бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигининг технологик тизимини белгилаш ва ушбу технологик тизимни олий таълим амалиётида қўллашга йўналтирилган илмий методик тавсиялар яратиш.

Тадқикот методлари: аналитик обзор, киёсий тахлил, анкета, савол-жавоб, сұхбат, умумлаштириш, мактаб ҳужжатларини ўрганиш, педагогик прогностика, педагогик эксперимент, математик-статистика.

Олингандаги натижалар ва уларнинг янгилиги: Бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг назарий-амалий асослари, бўлажак бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими, уни амалга оширишнинг кулагай шарт-шароитлари ва воситалари, мазкур тизимнинг самарадорлик даражаси аниқланди, ушбу технологик тизимни олий таълим амалиётида қўллашга йўналтирилган илмий методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Амалий ахамияти: бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлаш жараёни янги технологик тизим билан бойитилди.

Татбиқ этиши даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқикот бўйича «Халқ таълими», «Педагогик маҳорат», «Узлуксиз таълим» журналлари ва тўпламларда эълон қилинган илмий мақолалар, анжуманлардаги маъruzалар шунингдек, «Бошлангич синф ўқитувчилари касбий-шахсий тайёргарлигини таъминлашнинг технологик тизими» деб номланган методик қўлланма чоп этилиб, амалиётга татбиқ қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқикот йатижаларидан олий ўкув юртлари ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида кенг фойдаланилади.

РЕЗЮМЕ

диссертации Боймурадовой Гулзоды Тоштемировны на тему:
«Технологическая система профессионально-личностной подготовки
учителей начальных классов» на санкцию ученой степени кандидата
педагогических наук по специальности 13.00.01 – Общая педагогика,
история педагогики и образования

Ключевые слова: технологическая система, учитель, студент, педагогическое мастерство, профессиональные качества, педагогическая практика, духовность, образовательный процесс, учебная литература.

Объект исследования: педагогический процесс профессионально-личностной подготовки учителей начальных классов, основанный на определенной технологической системе.

Цель исследования: определение технологической системы профессионально-личностной подготовки учителей начальных классов, разработка научно методических рекомендаций по её реализации в практик выших образовательных учреждений.

Методы исследования: аналитический обзор, сравнительный анализ, анкетирование, вопросы-ответы, обобщение, изучение школьной документации, педагогическая прогностика, педагогический эксперимент, математическая статистика.

Полученные результаты и их новизна: определены научно-практические основы, технологическая система профессионально-личностной подготовки учителей начальных классов; выявлены условия и средства её реализации, степень эффективности вышеуказанной системы; разработаны научно-методические рекомендации по внедрению технологической системы в практику высшего образования.

Практическая значимость: процесс обеспечения профессионально-личностной подготовки учителей начальных классов дополнен новой технологической системой.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по материалам исследования опубликованы научные статьи в журналах «Халы таълими», «Педагогик маҳорат», «Узлуксиз таълим», доклады на конференциях, методическое пособие «Технологическая система профессионально-личностной подготовки учителей начальных классов», которые внедрены в практику.

Область применения: результаты исследования могут быть использованы в высших учебных заведениях и институтах переподготовки и повышения квалификации учителей.

R E S U M E

Thesis of Boymurodova Gulzoda Toshtemirovna on the scientific degree competition of the candidate of pedagogical in specialty 13.00.01 - General pedagogics, pedagogies and history of education subject: «Technological system professional-personal preparation of the teachers of elementary classes»

Key words: technological system, teacher, student, pedagogical skill, professional qualities, pedagogical practice, spiritual, training process, education literature.

Subject of the inquire: process of pedagogical professional-personal preparation of the teachers of elementary classes based on the certain technological system.

Aim of the inquiry: the definition of technological system professional-personal preparation of the teachers of elementary classes, scientific methodical elaboration of the recommendations for its realization in the practice of higher education institutes.

Methods of inquiry: the state-of the art review, comparative analysis, questionnaire, question-answers, generalization, study of the school documentation, pedagogical experiment, mathematical statistics.

The results achieved and their novelty: determined the technological system professional-personal preparation of the teachers of elementary classes is bases on scientific – practical; the condition and means of its realization, degree of efficiency of the above-stated system are revealed; scientific methodical elaboration of the recommendations for introduction of technological system in practice of higher education .

Practical value: process of maintenance professional-personal preparations of the readers of elementary classes adds by technological system..

Degree of embed and economic effectivity: on the materials of research scientific clauses in journals: «Xalq ta'limi» (Public education), «Pedagogic makhorat» (Pedagogic skill), «Uzluksiz talim» (Lifelong education), reports at conferences, methodical manual «Technological system professional-personal preparation of the teachers of elementary classes» are published which are introduced into practice.

Sphere of usage: the results of research can be used in higher educational institutions both institutes of retraining and improvement of professional skill of the teachers.

Босишга рухсат этилди 04.11.2009. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Босма табоги 1,0 Адади 100.
«Times New Roman» гарнитураси. Буюртма №150.

«Fan va texnologiyalar Markazining
bosmaxonasi»да чоп этилди.
100003, Тошкент ш., Олмазор күчаси, 171-үй.